

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДАГИ ИҚТИСОДИЙ,  
ИЖТИМОЙИЙ-СИЁСИЙ ВОҚЕАЛАРГА ДОИР  
МАЪЛУМОТЛАР**

# ДЎСТЛИК ВА ЎЗARO ИШОНЧГА АСОСЛАНГАН ҲАМКОРЛИК

- Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Қирғизистон Республикаси Президенти Алмазбек Атамбоевнинг таклифига биноан 5 сентябрь куни давлат ташрифи билан ушбу мамлакатга келди.
- Бишкек шаҳридаги «Манас» халқаро аэропортида мамлакатимиз Президентини расмий кутиб олиш маросими бўлиб ўтди. Давлатимиз раҳбарини Қирғизистон Республикаси Президенти Алмазбек Атамбоев кутиб олди.

- Халқларимиз азалдан бир дарёнинг икки қирғоғида, яқин қўшни сифатида яшаб келган. Тарихимиз умумий, маданий ва диний қадриятларимиз муштарак, анъана ва урф-одатларимиз ўхшаш. Машҳур адиб Чингиз Айтматов айтганидек, "Халқларимизнинг қони бир, тили бир".
- Бишкек шаҳридаги Ала-Арча қароргоҳида Президентларнинг тор доирадаги учрашуви бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон ва Қирғизистон ўртасида сиёсий, савдо-иқтисодий, транспорт-коммуникация, маданий-гуманитар ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликни янада кенгайтириш ва мустаҳкамлаш истиқболлари, мамлакатларимизнинг чегараолди ҳудудлари алоқаларини фаоллаштириш, шунингдек, томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро муаммолар муҳокама қилинди.

■ Алмазбек Атамбоев Шавкат Мирзиёевни Қирғизистонга давлат ташрифи билан қутлаб, бу икки давлат ўртасида олий даражадаги мулоқотларнинг мантиқий давоми, томонларни қизиқтирган масалаларни муҳокама этиш учун қулай имконият эканини таъкидлади. Икки давлат ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик алоқалари барча соҳаларда изчил ривожланиб бораётганини қайд этди.

■ 2017 йилнинг ўтган даврида мамлакатларимиз ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми 60 фоиз ўсди.

- Учрашувда Президентлар сув ресурсларидан давлатларимиз умумий манфаатларига мос равишда оқилона фойдаланиш борасида ҳам келишиб олди. Икки давлат раҳбарлари аввалги мулоқотларида минтақада самарали транспорт йўллари ривожлантириш, Қирғизистон ҳудуди орқали Хитой билан боғлайдиган қисқа масофали темир йўл барпо этиш бўйича музокаралар олиб борган эди. Бу галги учрашувларда унинг ҳуқуқий асосларини яратишни жадаллаштириш бўйича келишиб олинди. Қисқа вақт ичида ҳудудларимиз ўртасидаги алоқалар мустаҳкамланди. Қирғизистоннинг Баткен, Жалолобод, Ўш вилоятлари вакиллари билан Андижон шаҳрига, Ўзбекистон делегациясининг Ўш шаҳрига

- Президентимиз шартномавий мажбуриятларни амалиётга изчил татбиқ этиш мақсадида чегараолди ҳудудларда Ҳокимлар кенгаши тузишни таклиф қилди. Икки давлат ўртасида маданий-гуманитар соҳалардаги яқин ҳамкорлик, дўстлик ва қўшничилик алоқаларини мустаҳкамлаш ва кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу маънода, жорий йил февраль ойида Заҳириддин Муҳаммад Бобур номидаги Ўш давлат ўзбек мусиқали академик драма театрининг Фарғона водийсига ижодий сафарини, июнь ойида эса Муқимий номидаги Ўзбекистон давлат мусиқали театри жамоасининг Ўш, Ўзган, Аравон, Новқат, Қорасув, Жалолобод шаҳарларига ижодий сафарини алоҳида қайд

- Ўзбекистон кўмагида Ўш шаҳрида қурилаётган умумтаълим мактаби халқларимиз дўстлигининг ёрқин намунаси бўлди. Мазкур мактаб замонавий ўқув жиҳозлари ва анжомлари, дарсликлар, бадиий адабиётлар билан таъминланади.
- Жорий йил октябрь ойида Қирғизистонда Ўзбекистон маданияти кунлари, 2018 йил Ўзбекистонда Қирғизистон маданияти кунларини ўтказишга келишиб олинди.
- Яқинда Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалида Қирғизистон вакиллари муваффақиятли иштирок этиб, иккинчи ўринни қўлга киритди.

- Бугун Ўзбекистонда 300 мингга яқин қирғиз миллатига мансуб юртдошларимиз истиқомат қилади. Уларнинг ўз маданияти, тили, анъана ва урф-одатларини ривожлантириш учун барча имкониятлар яратилган. 6 та қирғиз миллий маданий маркази фаолият кўрсатмоқда, 56 мактабда таълим қирғиз тилида олиб борилади.
- Музокаралар якунида Шавкат Мирзиёев ва Алмазбек Атамбоев Ўзбекистон Республикаси ва Қирғизистон Республикаси ўртасида Қўшма баёнот ва Ўзбекистон – Қирғизистон давлат чегараси тўғрисида шартномани имзоладилар.



- Андижон ва Ўш, Тошкент ва Бишкек шаҳарлари ўртасида савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар соҳаларда ҳамкорлик тўғрисида, икки давлат Савдо-саноат палаталари ўртасида ҳамкорлик тўғрисида, Солиқ қонунчилигига риоя қилиш масалалари бўйича ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисида, Минтақалараро ҳамкорлик тўғрисида ҳукуматлараро, илмий-техникавий ҳамкорлик, Олий таълим соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида битимлар, Чегарадош минтақалар ўртасидаги ҳамкорликни янада чуқурлаштириш ва кенгайтириш бўйича 2017-2019 йилларга мўлжалланган қўшма тадбирлар режаси, Парламентлараро ҳамкорлик тўғрисидаги меморандум ва бошқа муҳим ҳужжатлар

- Ўзбекистон ва Қирғизистон президентлари ўз ичига 85 фоиз масофани қамраб олган чегара тўғрисидаги битимни имзолашди. Қирғизистон президенти Алмазбек Атамбоевнинг Ўзбекистон вакиллари билан қатор ҳужжатларни имзолаш маросимидан сўнг айтишича, масофанинг атиги 15 фоизи қолган.
- «Асосийси шунга ишонч ҳосил қилдикки, хоҳиш, сиёсий ирода бўлса келишиб олиш мумкин», - дея қўшимча қилган у. Алмазбек Атамбоевнинг таъкидлашича, бу тарихий кун рўй берганига Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг ҳиссаси катта. «Худди у менга гапиргандек, мен ҳам уни биродар, деб атайман. Бизнинг давлатлар орасида биродарлик муносабатлари бўлиши

■ Унинг эслатишича, қачонлардир мамлакатлар ягона давлат бўлган. Икки мамлакат тарихида кўплаб муаммолар, тўсиқлар бўлган, бироқ уларга ечим топилди. «Бугун биз деярли барча масалалар бўйича ўзаро тушунишни топдик», - деди у.

■ Оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда Шавкат Мирзиёев ва Алмазбек Атамбоев музокаралар ўзаро ҳурмат, ишонч ва амалий руҳда ўтганини, эришилган тарихий келишувлар Ўзбекистон Қирғизистон ҳамкорлигини

**ОСТОНАДА ИСЛОМ  
ҲАМКОРЛИК  
ТАШКИЛОТИНИНГ ФАН ВА  
ТЕХНОЛОГИЯЛАР БЎЙИЧА  
БИРИНЧИ САММИТИ  
ЎТКАЗИЛДИ**

**Ўзбекистон Республикаси Президенти  
Шавкат Мирзиёев Қозоғистон  
Республикаси Президенти Нурсултон  
Назарбоевнинг таклифига биноан 9-10  
сентябрь кунлари Остона шаҳрида бўлди.**

- 10 сентябрь куни Остона шаҳрида Мустақиллик саройида Ислом ҳамкорлик ташкилотининг Фан ва технологиялар бўйича биринчи саммити очилди. Мазкур саройда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевни Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев кутиб олди. Саммитни Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев очди. Ислом ҳамкорлик ташкилотининг ушбу нуфузли саммити “Фан, технологиялар, инновациялар ва ислом оламини модернизация қилиш” мавзусида

■ Маълумки, 2016 йил 18 октябрь куни Тошкентда Ислом ҳамкорлик ташкилоти Ташқи ишлар вазирлари кенгашининг 43-сессияси бўлиб ўтган, “Таълим ва маърифат – тинчлик ва бунёдкорлик сари йўл” шиори унинг асосий ғояси этиб белгиланган эди. Шу маънода Остона саммитини Тошкентда ўтган сессиянинг мантиқий давоми, дейиш мумкин.

■ Саммитда Президентимиз Шавкат Мирзиёев нутқ сўзлади.

Фан ва технологиялар бўйича саммитда Ислом ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар ва кузатувчи мамлакатлар, минтақавий ва халқаро ташкилотлар вакилларида иборат 80 га яқин делегация иштирок этди. Саммит якунида Остона

- Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев мазкур саммит доирасида Эрон Ислом Республикаси Президенти Ҳасан Руҳоний, Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоғон, Афғонистон Ислом Республикаси Президенти Ашраф Ғани ва Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиев билан учрашувлар ўтказди.
- Эрон Президенти билан мулоқотда Шавкат Мирзиёев Ҳасан Руҳонийни яқинда бўлиб ўтган Президент сайловида ишончли ғалаба қозонгани билан самимий

- Ўзбекистон ва Эрон халқларини тарихий ва маданий муштараклик, яхши қўшничилик муносабатлари боғлаб туради. Икки мамлакатнинг мумтоз адабий мероси халқларимиз учун бирдек қадрли. Бугунги кунда давлатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик изчил мустаҳкамланиб бормоқда. Давлатимиз раҳбари савдо-иқтисодиёт, инвестиция, транспорт-инфратузилма соҳаларидаги алоқаларга тўхталар экан, бу борадаги имконият ва кенг салоҳиятдан янада самарали фойдаланиш, ўзаро саъй-ҳаракатларни жадаллаштириш ҳамкорликни янги босқичга кўтаришини таъкидлади. Ҳасан Руҳоний Эрон Ўзбекистонни минтақадаги яқин ва ишончли ҳамкор деб билишини, мамлакатларимиз ўртасидаги дўстона муносабатлар мустаҳкамланиши ўзаро манфаатли ва узоқ муддатли алоқаларни янада кенгайтиришга хизмат қилишини қайд этди.



- Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдуғон билан учрашувда мамлакатларимизнинг савдо-иқтисодиёт, инвестиция, сайёҳлик ва бошқа соҳалардаги алоқаларини кенгайтириш масаласи муҳокама қилинди. Ўзаро манфаатли ва узоқ истиқболли лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш учун тегишли вазирликлар ва ишбилармон доиралар ўртасида мунтазам учрашувлар ташкил қилиш муҳимлиги қайд этилди. Икки давлат Президентлари Ўзбекистон билан Туркия бир-бирига муҳим ва узоқ муддатли ҳамкор сифатида қарашини, томонлар ҳамкорликни ўзаро ишонч таъминлаши асосида кенгайтириш ва халқларимиз манфаатларига хизмат қиладиган юксак даражага кўтариш

- Президентимиз Шавкат Мирзиёев Афғонистон Ислом Республикаси Президенти Ашраф Ғани билан мулоқотда у билан яна бир бор учрашаётганидан мамнун эканини таъкидлади. Икки давлат раҳбарларининг жорий йил июнь ойида Шанхай ҳамкорлик ташкилоти саммити доирасида ўтган учрашуви чоғида эришилган келишувлар асосида ҳамкорликни янада фаоллаштириш бўйича «йўл харитаси» қабул қилинди. Унинг изчил амалга оширилаётгани натижасида савдо-иқтисодий алоқалар жадал ривожланиб бормоқда. 2017 йилнинг биринчи ярмида ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 18,5 фоиз ўсган. Президентларнинг ушбу учрашувидан

- Учрашувда мамлакатларимиз ўртасидаги сиёсий, савдо-иқтисодий, транспорт-коммуникация, маданий-гуманитар соҳалардаги алоқаларни янада ривожлантириш истиқболлари муҳокама қилинди.
- Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиев ўртасида бўлиб ўтган учрашувда Ўзбекистон — Озарбайжон муносабатларининг бугунги ҳолати, савдо-иқтисодиёт, транспорт-коммуникация ва бошқа соҳаларда ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш истиқболлари муҳокама қилинди. Икки мамлакатнинг улкан иқтисодий салоҳиятидан тўла фойдаланиш, товар айирбошлаш ҳажмини

# ЯНГИ ҚОНУН КУЧГА КИРДИ

- Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2017 йил 7 сентябрь куни Ўзбекистон Республикасининг “Ҳуқуқий ахборотни тарқатиш ва ундан фойдаланишни таъминлаш тўғрисида”ги Қонунни имзолади. Ушбу Қонуннинг мақсади ҳуқуқий ахборотни тарқатиш ва ундан фойдаланишни таъминлаш соҳасидаги муносабатларни тартибга

# БМТ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ УЧРАШУВЛАРИ

- БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармаси Марказий Осиё бўйича минтақавий бўлинмаси директори Р. Коменда бошчилигидаги делегация мамлакатимизда бўлиб турибди.
- Ташрифдан мақсад инсон ҳуқуқлари соҳасидаги ҳамкорликнинг устувор йўналишларини муҳокама қилиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши ва Сенати Кенгашининг жорий йил 16 июндаги Қўшма Қарори билан қабул қилинган Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармаси билан ҳамкорликни янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар режасида белгиланган тадбирларни биргаликда амалга оширишдан иборат.

- Таъкидлаш жоизки, БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармасининг Марказий Осиё бўйича минтақавий бўлинмаси 2008 йилда Бишкек шаҳрида очилган бўлиб, унинг фаолияти Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркманистонни қамраб олган.
- Минтақавий бўлинма Марказий Осиё мамлакатларида инсон ҳуқуқларини рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш бўйича стратегия, дастур ҳамда чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, ҳукуматлар ҳамда фуқаролик жамияти, жумладан, ҳуқуқни ҳимоя қилувчи ташкилотлар салоҳиятини мустаҳкамлашда ҳукуматлар, ҳукуматлараро ташкилотлар, фуқаролик жамияти, хусусий сектор ва БМТ шериклари ўртасида ҳамкорликни амалга ошириш масалалари билан шуғулланади.

- Демократик маконни кенгайтириш, халқаро ҳуқуқни ҳимоя қилиш механизмлари самарадорлигини ошириш, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро норма ва стандартларни ривожлантириш, қонун устуворлигини таъминлашга кўмаклашиш масалалари 2014 — 2017 йиллардаги фаолиятнинг устувор йўналишлари сифатида белгиланган. Бўлинма ҳукуматлар, инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар ва фуқаролик жамиятининг салоҳиятини мустаҳкамлаш, жумладан, одил судловни таъминлаш, кийноқдорнинг одил судловни таъминлаш

# БУЮК АЛЛОМАЛАРИМИЗ

## МЕРОСИ

### БЕБАҲО ХАЗИНА

- Самарқандда “Жаҳон тамаддуни тарихида Марказий Осиё Ренессанси” мавзусида халқаро илмий конференция бўлиб ўтди. Унда БМТнинг Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ташкилоти – ЮНЕСКО, Жаҳон сайёҳлик ташкилоти – ЮНВТО, Ислом ҳамкорлик ташкилоти – ИХТ, Ислом ҳамкорлик ташкилотининг Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича тузилмаси – АЙСЕСКО, Ислом тарихи, санъати ва маданиятини ўрганиш илмий-тадқиқот маркази – ИРСИКА каби нуфузли халқаро ташкилотлар раҳбарлари, масъул ходимлари, АҚШ, Канада, Буюк Британия, Германия, Испания, Италия, Франция, Саудия Арабистони, Туркия, Хитой, Эрон, Озарбайжон, Россия, Япония ва бошқа давлатлардан олимлар, жаҳоннинг йирик илм-фан ва таълим



- ЮНЕСКО шафелигидаги мазкур конференция 2014 йил Самарқандда ўтказилган “Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожигаги роли ва аҳамияти” мавзусидаги конференциянинг мантиқий давоми сифатида Марказий Осиё минтақасидан етишиб чиққан олим ва мутафаккирларнинг тарихий меросини чуқур ўрганиш, тадқиқ этиш, жаҳон жамоатчилигини уларнинг аниқ ва табиий фанлар, ислом маданияти ривожига қўшган ҳиссаси билан янада кенг таништириш, илмий марказлар ва олимлар ўртасида ҳамкорликни мустаҳкамлашга хизмат қилиши таъкидланди.

- Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2016 йил октябрь ойида пойтахтимизда ўтказилган Ислом ҳамкорлик ташкилоти Ташқи ишлар вазирлари кенгашининг 43-сессияси очилиш маросимида юртимиздан етишиб чиққан ислом олами мутафаккирлари асарларини, уларнинг бутунжаҳон цивилизацияси ривожига қўшган бебаҳо ҳиссасини чуқур ўрганиш, дунёнинг барча халқларига ислом динининг ҳақиқий мазмун-моҳиятини етказиш учун Самарқанддаги Имом Бухорий ёдгорлик мажмуи қошида халқаро илмий-тадқиқот марказини ташкил этиш таклифини билдирган эди. Бу ташаббус халқаро ҳамжамият томонидан кенг қўллаб-қувватланди. Давлатимиз раҳбарининг шу йил 21 майда Саудия Арабистонига ташрифи чоғида Ўзбекистон Республикаси ва Ислом тараққиёт банки ўртасида Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот марказини ташкил этиш тўғрисида Англашув меморандуми имзоланди. Айни пайтда ушбу мажмуа қурилиши қизғин давом этмоқда.

■ Шунингдек, бугунги кунда пойтахтимизда Ўзбекистондаги Ислом маданияти марказини ташкил этиш бўйича кенг кўламли ишлар бошлаб юборилди. Президентимизнинг 2017 йил 24 майдаги “Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.

■ Бу саъй-ҳаракатлар муқаддас заминимиздан етишиб чиққан буюк мутафаккирлар ҳаёти ва илмий-ижодий фаолиятини чуқур тадқиқ этиш, халқаро миқёсда динлараро ва цивилизациялараро мулоқотни йўлга қўйиш, бугунги мураккаб даврда ислом динининг инсонпарварлик моҳиятини очиб бериш ҳамда ёш

- Марказий Осиё ренессансида Буюк Ипак йўли муҳим ўрин тутган. Марказий Осиёда IX-XII ва XIV-XV асрларда рўй берган илмий-маданий уйғониш даврининг турли жиҳатлари, Муҳаммад Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Маҳмуд Замахшарий, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий ва бошқа мутафаккирларнинг илм-фан ривожига қўшган ҳиссаси, Имом Бухорий, Бурҳониддин Марғиноний, Имом Термизий, Абу Мансур Мотуридий каби уламоларнинг маънавий мероси беқиёсдир.

# МАСОФАВИЙ СИРТҚИ ТАЪЛИМ ИККИНЧИ ОЛИЙ МАЪЛУМОТ ОЛИШ ИМКОНИЯТИ

- Азалдан аждодларимиз бир эмас, бир неча фан ва соҳаларни мукаммал эгаллаган. Бугун ҳам фанлар ва соҳалар ўзаро қоришиб кетаётган глобаллашув шароитида бир неча мутахассисликни эгаллашга зарурат ошмоқда. Бундай эҳтиёж сиртқи масофавий таълим шаклида қопланиши таълим тизимимизнинг жаҳон андозаларига мослашишига хизмат қилади.

- Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш бўйича давлат комиссиясининг 2017 йил 25 июлдаги 4-сон баёни билан 2017-2018 ўқув йили учун иккинчи ва ундан кейинги сиртқи олий таълимга қабул эълон қилинди. Сиртқи таълим тажриба-синов тариқасида масофавий ўқитиш элементларини қўллаган ҳолда олиб борилади. Ўзбекистон Миллий университети, Тошкент ахборот технологиялари университети, Тошкент давлат аграр университети, Тошкент давлат техника университети, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти ва Тошкент давлат педагогика университетида бу борада илк қадамлар қўйилди.

- Ўзбекистон Республикаси Президенти виртуал қабулхонаси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, университет маъмуриятига сиртқи бўлимларни ташкил этиш масаласида кўплаб фуқаролар мурожаат этипти. Шунинг эътиборига олиб, сиртқи бўлимларнинг ташкил этилгани илм олиш, ишлаб чиқаришдан узилмаган ҳолда иккинчи мутахассисликни эгаллаш истагидаги фуқаролар учун қулай имконият. Иккинчи мутахассислик бўйича қабул қилинган талабалар сони ўтган йилги қабул кўрсаткичидан ошмаслиги белгиланган. Ўқув жараёнида талабалар профессор-ўқитувчилар билан электрон почта орқали боғланиб, жорий ва оралик назоратларни, мустақил ишларни топширишади.

# ЁШ ТАҲЛИЛЧИЛАР КЛУБИ — ЁШЛАР УЧУН ИМКОНИЯТ МАЙДОНИ

- Юртимизда демократик давлат ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш мақсадида қабул қилинган — 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар Стратегиясида Ёшлар ролини ошириш масаласига алоҳида эътибор қилинган.



- Ёшларни таҳлилий қобилиятини юксалтириш, интеллектуал салоҳиятини руёбга чиқаришга кўмак берадиган шарт-шароит ва имкониятлар яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар Институтини (СМТИ) «Ёш таҳлилчилар клуби» (ЁТК) ташкил этилди. Ёш таҳлилчилар клуби, мамлакатимиздаги Олий ўқув юртлирида таҳсил олаётган иқтидорли ва фаол фуқаролик позициясига эга бўлган талабаларни бирлаштиради. ЁТКнинг асосий ғояси – ватанпарварлик, ватанга бўлган муҳаббат ва садоқат, жамият ва давлат манфаати йўлида хизмат қилиш билан белгиланади. ЁТК фаолияти ёшларни мамлакат ривожланишида ўз

# ИЛМ-ФАН РИВОЖИ ТАРАҚҚИЁТНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

- Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ўсимлик моддалари кимёси институтида 7-8 сентябрь кунлари “Табиий бирикмалар кимёси, биологияси ва технологияси” мавзуида XII халқаро симпозиум бўлиб ўтди.
- Академик Собир Юнусов номидаги Ўсимлик моддалари кимёси институтининг 60 йиллик юбилейига бағишлаб ташкил этилган ушбу анжуманда манфаатдор вазирлик ва идоралар, таълим муассасалари вакиллари, Ўзбекистон, Россия, Хитой, Туркия, Қозоғистон, Покистон каби 10 дан ортиқ мамлакатдан илмий ва илмий-ишлаб чиқариш марказларининг етакчи олим ва

- Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўсимлик моддалари кимёси институти жамоасига йўллаган табригини Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Абдулла Арипов ўқиб эшиттирди.
- Мамлакатимизда илм-фаннинг бошқа йўналишлари қатори ўсимлик моддалари кимёси, биологияси ва технологияси соҳасида ҳам ўзига хос илмий мактаб шаклланган. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ўсимлик моддалари кимёси институти Марказий Осиёдаги табиий бирикмалар кимёсини ўрганиш, улардан дори воситалари ва қишлоқ хўжалиги ўсимликлари учун кимёвий препаратлар яратиш, соҳада фундаменталь ва амалий изланишлар олиб боришга ихтисослашган энг йирик илмий-тадқиқот маркази ҳисобланади.

- Институт жамоасининг кўп йиллик изланишлари туфайли мамлакатимиз ўсимлик дунёсида тиббиётда қўллаш мумкин бўлган, алкалоидлар, терпеноидлар ва фенол бирикмаларини сақловчи 600 га яқин, эфир мойлари сақловчи 250 яқин ўсимлик тури аниқланган. Тадқиқотлар натижасида 3 мингга яқин бирикма ажратиб олинган, 10 мингдан ортиқ янги бирикма синтез қилинган. 2 мингдан ортиқ бирикманинг фармакологияси ва токсикологияси ўрганилган, 60 дори воситаси синовдан ўтказилиб, улардан 35 таси тиббиётга татбиқ этилган. Мустақиллик йилларида 500 дан ортиқ ўсимлик тури ўрганилиб, улардан 1 минг 200 дан зиёд модда ажратиб олинган. 246 янги алкалоид, 12 проантоцианидин, 70 дан ортиқ флавоноид, 20 га яқин кумарин, 27 дитерпен ва тритерпен гликозидлар, 15 фитоэкдистероидлар, 4 иридоидлар тузилиши исботланган.

- 5 мингдан ортиқ гетероциклик бирикмалар синтез қилиниб, уларнинг фаоллиги ўрганилган. Гетероциклик бирикмаларнинг модификацияси имкониятларини кенгайтирувчи асимметрик марказлар яратиш услублари ишлаб чиқилди. Бунинг натижасида 110 дан ортиқ ишланмага патент олинган ва уларнинг 41 таси амалиётда қўлланилмоқда. Ҳозирги кунда институт қошидаги тажриба ишлаб чиқариш корхонасида 20 дан ортиқ дори воситаси субстанциялари ишлаб чиқарилмоқда, йилига 100 тонна ўсимлик хомашёси қайта ишланмоқда. Илмий изланишлар самарасида фенасал, галантамин гидробромид, медамин, альбендазол, цитизин, кукумазим препаратлари ва ИФА тест-системаларининг айрим турлари бўйича импорт ўрни тўдиқ

- Институт олимлари томонидан яратилган аллапинин дори воситаси Россия Федерациясига экспорт қилинмоқда. Ушбу дорини ишлаб чиққан муаллифлар гуруҳи 2007 йилда Ўзбекистон Республикасининг фан ва техника соҳасида биринчи даражали давлат мукофотиغا сазовор бўлган.
- 2016 йилда ўтказилган IX Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар республика ярмаркасида Халқаро интеллектуал мулк ташкилотининг «Энг яхши ихтиро ҳамда унинг коммерциализияси учун» олтин медали “Антиаритмик фаолликка эга воситани олиш усули” патенти учун Ўсимлик моддалари кимёси институтига топширилди.

# ОҚДАРЁДА ТИКУВЧИЛИК ФАБРИКАСИ ИШ БОШЛАДИ

- Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2016 йил октябрь ойида Самарқанд вилоятига ташрифи чоғида пахта етиштирувчи барча туманларда толани қайта ишлаш ва тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш корхоналари ташкил этиш зарурлигини таъкидлаган эди. Шу асосда вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича дастурларга ҳудудларда тирикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхоналари фаолиятини йўлга қўйишга оид лойиҳалар

- Оқдарё туманида “Муштарий Оқдарё” масъулияти чекланган жамиятининг тикувчилик фабрикаси иш бошлади. Мазкур лойиҳани амалга ошириш учун Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки Самарқанд вилояти филиалининг 1,2 миллион долларлик кредити ва ҳамкорларнинг 1 миллиард 200 миллион сўм маблағи йўналтирилди. Корхона йилига 10-12 миллион дона болалар ва ўсмирлар кийим-кечаги тикиш қувватига эга. Айни пайтда 120 мингдан ортиқ маҳсулот тайёрлаб, ички бозорга чиқарилди. Янги корхона иш бошлаши билан 350 нафар хотин-қиз доимий иш ўрнига эга бўлди. Уларнинг 130 нафари касб-ҳунар коллежи битирувчиларидир.



# ТОШКЕНТДА ТАЙЁРЛАНГАН ПАЛОВ ГИННЕСНИНГ РЕКОРДЛАР КИТОБИДАН ЖОЙ ОЛДИ

- Пойтахтимизнинг Сайилгоҳ кўчасида ташкил этилган «O‘zbekim» миллий қадриятлар фестивали доирасида ўзбекистонлик ошпазлар томонидан 7 360 килограммлик палов тайёрланди. Палов тайёрланиш жараёнини Guinness World Records вакиллари бевосита кузатиб борди.
- – Гиннеснинг рекордлар китобида қайд этилиш учун таомга тўрт тонна масаллик сарфланиши керак эди,– дейди Guinness World Records вакили Ричард Стенинг.– Бугун ушбу талаб ошиғи билан бажарилди. Паловни тайёрлаш жараёнида Гиннеснинг рекордлари китоби талабларига тўлиқ риоя қилинди. Демак, палов тайёрлаш бўйича жаҳон рекорди ўрнатилди. Бу, албатта, Гиннеснинг рекордлар китобига қайл этилди.

# НУРАФШОН ШАҲРИНИНГ ВИДЕО ЛОЙИҲАСИ ТАҚДИМ ЭТИЛДИ

- Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати 25 август кунги 11-ялпи мажлисда Тўйтепа шаҳрининг номини Нурафшонга ўзгартириш ҳақидаги қарорни тасдиқлади. Бир кун аввал сенаторлар шаҳарни вилоят бошқарувидаги шаҳарлар тоифасига киритиш ҳамда Тошкент вилоятининг маъмурий маркази этиб белгилаш ҳақидаги қарорни тасдиқлашган.

- Тошкент вилояти маъмурий маркази – Нурафшон шаҳрининг видео лойиҳаси тақдим этилди. Шаҳарда маъмурий бинолар, замонавий ва қулай турар жойлар, бизнес марказлар, меҳмонхоналар, спорт мажмуалари, ёшлар ижодиёт маркази, кутубхона, мактаблар, кўп тармоқли шифохона бунёд этилади. Истироҳат боғлари, боғлар, майдонлар, пиёдалар ва велосипедчилар учун хиёбонлар ташкил этиш кўзда тутилган. Самарали жамоат транспорти тизими жорий этилади. Шаҳар маркази орқали сунъий анҳор оқиб ўтади, унинг ёқаси бўйлаб йўл ётқизилиб, кафе, дўкон ва бошқа объектлар очилади. Тошкент ва Нурафшонни тезюрар автомобиль йўли боғлайди.

**ЭЪТИБОРИНГИЗ УЧУН  
РАХМАТ!**